

Москва и бутун Рус Патриархи – КИРИЛЛ нинг  
архипастир, пастир, диакон, рохиблик билан шуғулланувчи ва Рус Православ  
Черковининг барча содиқ хизматчилари учун Пасха табриги

“Парвардигорнинг волидаси бутун одамзодни қутқариш учун келди”  
(Тит.2, 11)

Яратганнинг барча суюкли архипастирлари, содиқ пресвитерлари ва диаконлари,  
Парвардигорни севикли инок ва инокиналари, хурматли ака-ука ва опа-сингиллар!

Атроф мухит ёришган маҳал, оламни яратганнинг буюк ва руҳий қувончи билан ижро  
этилган, ўлим устидан ғолиб бўлган Яратган томонидан ерга нур тушган тунда,  
барчангизга бизнинг ўзгармас умидидан далолат берувчи қадимги овозни етказаман:

#### ИСО ТИРИЛДИ:

Яратганнинг қарийб икки минг йил олдин кабрида содир бўлган ходисани, кўплаб  
муборак эркак ва аёл авлоди бошидан ўтказишни орзу қилади. Улар бизларга  
Иерусалимнинг эски деворлари олдидаги кўмиш ғорида содир бўлган ушбу муқаддас  
сирнинг инсоннинг чекланган онги учун қанчалик мумкинлигини тушуниб етишимиз  
учун ҳаракат қилганлар. Улар шу тунда Яратган томонидан амалга оширилган бундай  
катта ўзгаришни англашга қақаришган.

Авлиё Иоанн Златоуст бу ходиса ҳақида шундай ёзади “Парвардигорнинг ўғли Исо  
Масихнинг тирилган куни бу – оламнинг яратилиши, бирлашишнинг инъикоси, уруш  
харакатларининг яқунланиши, ўлимнинг йўқотилиши ва иблисни енгшидир”. (Муқаддас  
Пасхага сўз).

Олий мақомли Павелнинг сўзлари биз учун алоҳида маънога эга, ва янги оламнинг  
яратилиши ва янги одамзоднинг бунёд бўлишига тенг бўлди. Биз бу сўزلарни  
коринфяларга апостиллик номаларда кузатишимиз мумкин.

Исо Масихнинг тирилиши – христианликнинг оламга бўлган янги номаси. Голгоф  
қурбони туфайли, муборак эзгулик манбасига йўналтирилган одамзоднинг дадил  
ингилишининг бутун маъно мазмуни ва аҳамиятга эга бўлади. Христов қурбони турли  
маданият ва анъаналар одамлари учун Тирик Парвардигорни кидиришда жавоб бўла олди.  
Унинг мақсади битта бутун тирик одамзодни сақлаб қолиш ва уларнинг ҳақиқат йўлида  
боришлари учун қутқариб қолишдир. Бу узлуксиз ҳаракатлар миллионлаб одамларнинг  
орзу умидларини ўзида мужассамлаштирган ва турли вақтларда ўзларининг аянчли  
аҳволларидан чиқиш, ва ҳаққоний “хаёт ва мавжудлик” қа эришиш имконини берган.

Асрлар давомида қутилган ходиса рўй берди. Энди ўлим одам устидан ҳукмрон  
эмас, Одам атода ҳамма вафот этса, Исода ҳамма тиралади. Шунинг учун Пасха энг  
муҳим христианлик байрами саналади, ва бунда камситилган ва хўрланган Исо Масих

*Назаретдан Парвардигорнинг нури билан ёритилиб учинчи куни тирилди ва ўликлар орасидан туриб келди. (Бую Василий литургиясининг анафораси).*

Бугунги кунда Христос бизларнинг барчамизни иймон, эътикод базмига чорлаб. унинг гунохларни ювувчи қурбонлиги неъматларидан бахраманд бўлиб, абадий умр сувидан ичишга қакиради. Аммо, бизнинг Парвардигор билан бирлигимиз фақатгина унга хизмат кўрсатишда ёки шахсий сиғиниш билан чекланмаслиги керак. Биз беҳавотир байрамга чоғланишимиз мумкин эмас, чунки орамизда Яратган туфайли ҳаётларида қувончга эришмаган, азоб чекувчи, йиғловчи, ёлғиз, ажралган ва касалликлар билан хаста одамлар ҳам бор. Бизнинг муқаддас бурчимиз бу – Христос номи ҳамма ерда макталсин ва одамлар Парвардигор номига қилинаётган ишларни кўриб, православ эътиқодига мурожаат қилиб, осмондаги Оталарига юракларини очсинлар.

Афсуски, одамнинг ёвуз истаги ва иблис васвасаси ҳалигача оламда мавжуд. Қалбимизда, барча кулфат, катаклизм, тўқнашув ва зиддиятларга қарамасдан, гуноҳ ва ўлим ҳақидаги фикрларга жой қолмаслиги керак. шунинг учун, ўз кучимиз ва эзгу ишларимиз билан Қутқарувчига мурожаат орқали унинг черковида бўлишга ҳаракат қилайлик. Бунда биз узок ва яқиндаги яқинларимиз, Парвардигорнинг иймони ва эътиқодига мурожаат қилишларига даъват қиламиз.

Шундай қилиб, барчангизни муборак айём Пасха, “Оламнинг тирик ва ўликларнинг энг асли бўлган Исо Масихнинг тирилиши” билан табриклайман. Бизни кечирган ва гуноҳларимизни ювган ва бизни суйган, Парвардигорнинг ўгли бўлган, асрлар давомида давом этаётган Исо Масих номига омин деймиз.

**ИСО МАСИХ АСЛИДА ТИРИЛДИ**

Москва ва бутун Рус Патриархи

Москва,

Христов Пасхаси,  
2017 й.